

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДА
ҚҮЛЛАНИЛГАН АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ
ТАҲЛИЛИ**

Бажарди: “Араб филологияси”
кафедраси 4-курс талабаси
М.Нортожиева _____

(имзо)

Илмий раҳбар: “Араб филологияси”
кафедраси кат.ўқит. Ш.И.Зайнутдинова

_____ (имзо)

Илмий маслаҳатчи: “Араб
филологияси” кафедраси ф.ф.д.проф.
Ш.Ғ.Шомусаров

_____ (имзо)

ТОШКЕНТ-2017

Бити्रув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

“Шарқ филологияси”

факультети декани

ф.ф.д.К.Ш.Омонов

“Араб филологияси”

кафедраси мудири

ф.ф.д., проф. Ш.Ф.Шомусаров

“___” 20___ йил “___” 20___ йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I.БОБ. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА УНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР”	
РОМАНИДА АРАБИЙ СЎЗЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	
1.1. Абдулла Қодирий – буюк сўз санъаткори.....	8
1.2. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланилган арабий сўзларнинг таҳлили.....	16
II.БОБ. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР”	
РОМАНИДА АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК ВА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....	
2.1. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида арабий сўзларнинг қўлланилиши.....	22
2.2. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги арабий ўзлашмаларнинг лексик таҳлили.....	26
ХУЛОСА.....	42
ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.....	45

Кириш

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек тилимизнинг мавқеи, тутган ўрни ниҳоятда юқори даражада кўтарилганининг гувоҳи бўляяпмиз. Бунга она тилимизга давлат тили мақоми берилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов бу ҳақда шундай ёзган: “Она тилига муҳабbat унинг бекиёс бойлиги, буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало буюк аждодларимиз асалари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсақ, миллий маънавиятимизни юксалтиришда жамиятимида эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз”.¹

Демак, она тилимизнинг барча қирраларини айниқса, ундаги ўзлашма қатламнинг ҳусусиятларини қанчалик яхши ўргансак, ўтмиш меросимизни шунчалик чуқур ўрганишга мұяссар бўламиз. Бу бир томондан, ўтмишда битилган манавиятимиз ва қадриятларимиз манбаларини ўқиш имкониятига эга бўлсак, иккинчидан, уларни тушуниб этишимизга йўл очилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айни пайтда муҳтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёшлар орасида китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида бунга алоҳида урғу бериб ўтдилар. Зеро, маънавиятли ёшлар эртанги қунимизнинг ишончли вакиллариридир.

Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Миллатнинг ўзига хослиги унинг дунёни англашига қараб, ўз навбатида бу ўзига хослик ана шу миллатнинг тили орқали намоён бўлишни эътиборга оладиган бўлсак, тилнинг миллат тақдирида нақадар юксак аҳамият касб этишни илғаб олса бўлади.

XX асрни замонавий ўзбек тили шаклланишидаги муҳим бурилиш даври дейдиган бўлсак, бу даврни забардаст ёзувчи Абдулла Қодирий

¹ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Т.:2008 й. 47-48бет

ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дунёning тан олинган беш романчилик мактаби қаторида олтинча ўзбек романчилик мактабини яратган адаб келажак авлодларга миллий адабиёт қандай бўлиши керак эканлиги намоён қила олди. Қолаверса таъбир жоиз бўлса, шу кунга қадар Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ижтимоий моҳияти кучли, юксак бадиий маҳорат билан яратилган асарлари ҳали ҳануз китобхонлар орасида севиб мутолаа қилиб келинмоқда.

“Ўткан кунлар” романида Абдулла Қодирий тил устида катта маҳорат қўрсатди. Романнинг тили ҳақиқатан бой, бадиий бўёқли, содда, ирода кучи зўр, оммага англашиларли бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишда бу асарнинг роли шубҳасиз катта.

Адаб ўз касби ва сўз санъатининг аҳамияти ҳақида шундай деган эди:

“Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода қилиш учун куриш сўз билан эмас, санъаткорона, яъни шундай сўзни айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина маҳсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин”.²

“Ўткан кунлар” романида миллат тақдири, бирлик, эл-юрт қайғуси, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш каби ғоялар илгари сурилган. Абдулла Қодирий асарлари сўз санъатининг гўзал намунаси сифатида миллий китобхонликнинг диidi, савияси, руҳиятини тарбиялаб келмоқда. Бу асар нафақат ўзбек китобхонлари орасида, балки рус, тожик, қозоқ, уйғур, озорбайжон, инглиз, немис ва бошқа тилларда нашр этилиб китобхонлага кенг тақдим этилган.

Танланган мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Мустақиллигимиз тоборо мустаҳкамланиб, ўзининг самараларини бера бошлаган бугунги кунда, халқимизнинг маънавий юксалиш жараёнида миллий адабиётимизни чукур билиш, унинг ёрқин

² Ўзбек энциклопедияси – Тошкент: Ўзбекистон 2005й. 24-бет

намоёндалари асарларидан баҳраманд бўлиш, уларнинг илгари сурган умуминсоний қадриятларини англаш ҳозирги ёшлар келажаги учун айниқса, аҳамиятлидир.

2. Ҳар қандай миллатнинг ички, маънавий руҳиятини айнан ана шу миллатнинг тилигина равон ифода эта олади. Тил миллат маънавиятининг моддий ифодаси сифатида у миллатнинг энг улуғ қадрияти мақомига эга бўлган маънавий меросимиз дурдоналарини янада чукурроқ ўрганиш бугунги кун илм-фаннынг долзарб вазифасидир.

3. А.Қодирийнинг адабиёт дунёсида салмоқли адаб эканлиги унинг романларида хусусан “Ўткан кунлар” романида намоён бўлди. “Ўткан кунлар” романининг бу қадар эътироф этилишнинг сабаби унинг ҳаётийлиги ва ғоясининг бақувват эканлигидадир.

Ана шу йўлдаги фойдали ишлардан бири ўзбек адиларининг асарларини мутолаа қилиш, ундан маънавий озуқа олишдир. Шу мақсадда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида кўлланилган арабий ўзлашмаларнинг таҳлили мавзуси тадқиқ этишга киришилди. Ёшларнинг ўзбек адиларининг асарларига илмий нуктаи назардан мурожаат қилишлари муҳимдир.

Мазкур мавзу устида ишлаш жараёнида асардаги арабий сўзларнинг барча қирраларини очиб бериш долзарбдир, чунки бу асарни ўқиётган китобхон учун унда иштирок этган арабий сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини билишлари зарурдир. Бу эса биз арабшуносларнинг зиммамиизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Ўзбек тилидаги арабий ўзлашмалар мавзуси кўп вақтлардан бери олимларнинг диққат эътиборини ўзига тортиб келган. Ф.Абдуллаев, М.Раҳмонов, А.Нишонов каби олимлар томонидан ўзбек тилига ўзлашган арабий сўзларнинг у ёки бу томонлари устида тадқиқот олиб борганларю

Малакавий битириув ишимиздан кўзланган мақсад

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги арабий сўзлар, ўзлашмаларни ўрганиш, ҳамда уларнинг лексик ва статистик таҳлилини амалга ошириш.

Ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбек бадиий адабиётида сўзларнинг қўлланилиш тарихини ўрганиш ва улар ҳақида тушунча ҳамда тасаввурни шакллантириш.
- Бугунги ўзбек тили тараққиёти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда арабий ўзлашмаларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш

Битирув –малакавий ишнинг обьекти

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги арабий сўзлар, ўзлашмалар

Битирув –малакавий ишнинг предмети

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги арабий сўзлар, ўзлашмаларнинг таҳлили ва статистикаси

Битирув –малакавий ишнинг назарий ва методологик асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Республика Олий мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг фармонлари, нутқлари, асарлари, миллий маънавият ва мафкурани ривожлантириш масаласида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар мазкур ишнинг назарий асоси бўлиб хизмат қиласди.

Мазкур ишимиз жараёнида илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, обьективлик тамойили, анализ ва синтез, умулаштириш, системалаштириш каби методларидан фойдаландик.

Битирув –малакавий ишнинг янгилиги

Тилшунослик соҳасида илк бор Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи мисолида арабий сўзлар-ўзлашмаларнинг роли, хусусияти ва уларнинг ўзбек тили ривожидаги ўрни ўрганилди.

Битирув –малакавий ишнинг амалий-назарий аҳамияти:

Ҳозирги пайтда ёшлар орасида ўзбек адабиёти намоёндалари асарларини мutoала қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур

тадқиқот тилшунослик, адабиёт соҳаларини ўрганувчи илмий изланувчилар, тадқиқотчилар учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Битирув –малакавий ишнинг тузилиши

Мазкур битирув-малакавий иши, кириш, икки боб ва ундаги бўлимлар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва ишнинг натижасини ўзида мужассамлаштирган иловалардан иборат.

І.БОБ. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА УНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДА АРАБИЙ СЎЗЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

1.1. Абдулла Қодирий – буюк сўз санъаткори

Маълумки, ўзбек адабиёти минг йиллар давомида асосан Шарқ халқлари адабиёти, маданияти доирасида ривожланиб келган эди. XIX аср охири XX аср бошларига келиб бу адабиёт янги бир маънавий оламга, Европа адабиёти ва маданияти тажрибаларидан самарали фойдаланиш йўлига ўта бошлади. Шу асосда ўлкамиз тарихида янги давр – миллий уйғониш даври бошланди: ўлкада дунёни, дунёдаги ўзгаришларни чуқур англаш жараёни кучайди. Бу даврда миллатнинг тараққийпарвар зиёлилари ҳар соҳада янгиланишга чуқур эҳтиёж сездилар ва шу йўлда фаол саъи-ҳаракатлар қилдилар. Жумладан, Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романига ёзган сўзбошисида “*модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшиаш достончилик, рўмончилик ва ҳикоячилиқларда ҳам янгаришга, ҳалқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таниширишига ўзимизда мажбурият ҳис этамиз*”³, - деб ёзганида бадиий адабиёт соҳасидаги ана шундай янгиликларни инобатга олган эди.

Бадиий адабиёт соҳасида ҳам кулдириб, ҳам йифлатиш санъати жуда қийин санъат бўлиб, у ҳар қандай ёзувчига ҳам муяссар бўлавермайди. Бунинг учун ўша ёзувчидаги жуда катта иқтидор, бой тажриба ва А.Қодирий ўз чиқишидан бирида таъкидлаганидек, шоирона нафис назокат бўлиши керак. Шу билан бирга ўша ёзувчидаги чидам ва матонат, изланиш ва изтироб – буларга дош бера оладиган улкан юрак – маънавий юксаклик талаб этилади. Абдулла Қодирий худди ана шундай юксак қалб эгаси эди. Шу сабабли ҳам у ўз асарлари орқали китобхон қалбининг энг нозик торларини

³ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбода акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 3.

черта олар, китобхон қалбига кириб бориш йўлларини – бадиий тасвир санъатининг барча сирларини чуқур эгаллаган эди. Бунга улкан ёзувчининг ижодий фаолиятини қисқача кўздан кечириш орқали ҳам тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Абдулла Қодирий ўз ижодий фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ ижтимоий ҳаётда ҳам фаол иштирок эта бошлади. Масалан, у 1919 йилнинг бошида Озиқ қўмитаси номидан чиқарилган “Озиқ ишлари” газетасига муҳаррир қилиб тайинланган эди. Шу билан бирга А.Қодирий Россия Телеграф Агентлиги (РОСТА) Туркистон бўлимининг 1919 йилда ўзбек тилида ташкил этилган “РОСТА” деворий газетасига ҳам муҳбир сифатида фаол қатнашиб турди. Шунингдек, серғайрат журналист сифатида у ўша йиллари “Иштирокиён”, “Қизил байроқ” газеталарида ҳам адабий ходим бўлиб ишлаган эди. Худди шу даврларда А.Қодирийнинг матбуот сахифаларида босилган “Бизда театр ишининг бориши”, “Майда савдогарларга мурожаат”, “Қироатхоналаримиз”, “Сарт оғайниларга” сарлавҳали ва бошқа бир қатор мақолалари, танқидий хабарлари ва фельетонларида ўша давр кундалик ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим масалаларини таъсирчан шаклда ёритишга ҳаракат қилди.

1923 йилда “Туркистон” газетасига илова тарзида сатира ва юмор журнали ташкил қилиш масаласи қўтарилиганда бу ишни амалга ошириш вазифаси ўша вақтда ўткир публицист сифатида танилиб қолган Абдулла Қодирийга топширилган эди. Бу журналнинг биринчи сони “Муштум” номи билан нашр этилиб, унда бош мақола ўрнида А.Қодирийнинг “Муштум таърифида” сарлавҳали мақоласи берилган эди. Ўша мақолада журналнинг характеристи ва келгуси фаолият режаси тўғри белгиланган эди: “Журналиниз... қўли қадақлар синфининг “муштуми”... Бу “Муштум” зўрлик муштуми эмас, ҳақлик “муштуми”дир. Бу “Муштум” золимлар “муштуми” эмас, балки мазлумлар “муштуми”дир...”⁴. Кўринадики, бу

⁴ Абдулла Қодирий.“Муштум” таърифида // Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 154.

парчада биргина сўз – “муштум”нинг такори ёрдамида ёзувчи таъсиричанлик, образлилик, энг муҳими, мақсад ўқининг аниқ нишонга йўналтиришга муваффақ бўлган эди.

А.Қодирийнинг вақтли матбуот саҳифаларида босилган юздан ортиқ мақолалари, сатирик асарлари унинг бу соҳада катта истеъдод эгаси даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Ёзувчининг кичик ҳажмдаги сатирик асарларидан тортиб “Калвак Махзумнинг хотира дафтиридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?” сингари сатирик новеллалар туркумига қадар барча асарлари ана шундай моҳирона тил ва ўткир ҳажвий-юмористик оҳангда ёзилган. Масалан, ёзувчининг ношуд маориф раҳбарлари, маърифат душмани бўлмиш руҳонийлар, усти ялтироқ, ичи қалтироқ – қуруқ олифта баъзи олифта ёшлар, бирни ўнга сотувчи муттаҳам чайқовчиларни ҳажв қилувчи “Саломнома” асари қуидаги шеърий сатрлар билан бошланади:

“ - *Отқа қоққан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек, маориф шўросига сало-о-о-м!*

- *Ўзи чета буқинуб, шахсиятқа тўқинуб, аллакимга чўқинуб, ўзри ушлаганга сало-о-о-м!*

- *Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўши калла, оқу қора ҳам маҳалла, Туркистон уламоларига сало-о-о-м!...*⁵.

Ёзувчининг “Тошпўлат тажанг нима дейди?” номли туркуми новеллаларида ҳам худди “Калвак Махзумнинг хотира дафтиридан” туркмидаги сингари қаҳрамонни ўз тилидан сўзлатиб жонли характер яратиш йўлидан боради. Ундаги Тошпўлат образи Калвак Махзумнинг тамомила акси. Агар Калвак Махзум тилида *шарорат пеша, фақирлар, машойих, охират илми, дур-дароз шикоят, ҳукуматдор, бепарҳез, зулжалол эгам, ҳабби танакор, як рўз ташна ва як рўз гурусна* каби арабча-форсча иборалар, *шаётин, қазойи осмоний, аҳли куффор, ал ҳукми лиллоҳ* сингари

⁵ Абдулла Қодирий. Саломнома // Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Олти жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, хикоя ва очерклар, ҳажвиялар. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 116.

мадраса-маҳкама тили элеменлари кўплаб ўрин олган бўлса, Тошпўлат тажанг тилида *кеқирдагингни чўзма, тумишуғингга ел тушкур, пул қоқяпманми, им эмган, галавам айнади, хумпар, худо ҳаққи, чўнчакчасига бурнимни қоқай* каби чапаниларга хос нутқ оҳанги ва иборалар кучли тарзда ифодаланган.

Дарҳақиқат, буюк истеъдод эгаси Абдулла Қодирийни ўша давр газета журналларидан ташқари ҳолда тасаввур этиш қийин эди. Ўша даврда журнал ва газеталар унинг мақола ва ҳикояларини муштоқлик билан кутарди. Маълум бир сабаб билан матбуот саҳифаларида сал камроқ қатнашиб қолгудай бўлса, дарҳол унинг ўрни билиниб қоларди.

Абдулла Қодирий ўз журналистик фаолияти давомида жуда хилма-хил имзо (таксаллус)лардан фойдаланган эди. Жумладан, у матбуотдаги бир асарини “Жулқунбой” имзоси билан чиқарган бўлса, бошқасини “Овсар” ёки “Думбул” деган имзолар билан чоп эттирганди. Шу билан бирга ёзувчининг “Соврун”, “Соврунбой”, “Жо”, “Шаккок”, “Шилғой”, “Думбул девона”, “Думбулнисо”, “Мухбир” сингари йигирмага яқин тахаллуслари бор эди [бу ҳақда қаранг:⁶. Улкан ёзувчининг бундай тахаллуслар олишига бир неча сабаблар бор эди. Шулардан бири ёзувчи матбуотдаги ўз мақолаларини қизиқарли, кулгили ва ўқимишли бўлишини таъминлаш учун хилма-хил образларга кириб, шу образлар тилидан мушоҳада юритар эди. Шунга кўра ўша мақолаларнинг ритмик оҳанги, ҳикоячи нутқи интонацияси талабларидан келиб чиқиб, мақола охирига оддийгина қилиб “Овсар” ёки “Думбул”, “Шаккок” ёки “Маҳзум” деб қўя қоларди.

Умуман, Абдулла Қодирийнинг матбуотда бир неча йиллар ишлаши унинг кейинчалик ёзувчи сифатида шаклланишида катта бир мактаб вазифасини бажарди. Матбуот бу адибни тезкорликка, замон руҳини, унинг илғор тенденцияларини тўғри илғаб олишга ўргатди, қобилияти, зеҳни ва қаламини ўткирлаштириди. Ёзувчи матбуотда ишлаш жараёнида мавзу

⁶ Кориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // ўзбек тили ва адабиёти, 1967. № 1. – Б. 51-58.

танлаш ва шу мавзуга монанд шакл яратиш сирларини ўрганди. Бунда ёзувчига ёшлиқдаги жўшқин меҳнат фаолияти ҳам катта ёрдам берди.

Шундан кейин Абдулла Қодирий катта жанрларда асарлар яратиш билан изчил шуғулланди. Бирин-кетин адабнинг “Ўтган кунлар”, “Мехробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” қиссаси эълон қилинади.

“Кўлим қаламга хийла келиб қолгач, - деб ёзган эди унинг ўзи, - менда ана шу ўтмишииздан Европа романчилиги асосида каттароқ бир асар яратиш орзуси туғилди. Тарихий воқеалар бошимда шу қадар кўп, гўё қайнар, менга тинчлик бермас эди. Аммо бу воқеаларни қандай қилиб бир ипга тизишни, қоғозга туширишни тасаввур қила олмасдим”.

“Ўтган кунлар” (1926) романининг энг муҳим хусусиятларидан бири унда муайян ритмик оҳангнинг мавжудлигидир. Бу асарда ёзувчининг улкан санъаткорлиги сўзларни жой-жойига қўйиб ишлата билишида, муайян бир сўзни маълум ўринга қўйиш билан худди ўқни нишонга бехато урган каби китобхонни ҳайратга сола билишида намоён бўлади. Ёзувчи бу асарда ёшлиқ, навқиронлик, гўзаллик ва баркамолликни, ўзи севган ва китобхонга ибрат қилиб кўрсатаётган Отабек, Кумуш каби қаҳрамонлар қиёфасини тасвирлаганда жозибали, нафис, ҳаяжон қўзғовчи ташбеҳлар ишлатади, ажойиб ўхшатишлар қўллайди, ўз қаҳрамонларини киши кўзи олдида худди жонли одамдай гавдалантира олади. Масалан, ёзувчи Отабекнинг ташқи қиёфасини чизар экан,⁷ “*оғир табиъатлик, улуг гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабза урган бир йигит...*”⁸ деб тасвирлайди. Ҳатто ўз қаҳрамони Отабекни улуғлашда у карvonсаройда истиқомат қилаётган жой (хужра) тасвиридан ҳам ўринли фойдаланади.

Абдулла Қодирийнинг бу романдаги муаллиф баёнида эришган энг катта ютуқларидан бири тасвир ва тавсифнинг соддалигида, ҳар бир

⁷ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 3.

⁸ Кориев Б. Адабий тахаллуслар ҳакида // ўзбек тили ва адабиёти, 1967. № 1. – Б. 51-58.

қаҳрамон характерининг ташқи қиёфаси, ички дунёсини очиб беришда мос ва мувоғиқ сўз ва ибораларни топиб ишлата билишида очиқ кўзга ташланади.

Абдулла Қодирий “Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак” номли мақоласида А.П.Чеховнинг “Хамелеон” ҳикоясини таҳлил қиласар экан, “ҳикояни “серсув”, кўп сўзли қиласидиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришидир...”⁹, - деб ёзган эди. Ёзувчи барча асарларида, айниқса, романлари ва “Обид кетмон” қиссасида ўзининг ана шу эстетик тамойилига оғишимай амал қилган эди. Яъни ёзувчи бу асарларида қаҳрамонлар тилини шунчалар меъёрига етказиб, шунчалар қиррали қилиб индивидуаллаштиради, улардан бирортасининг тилида бошқасиникига ўхшашлик кўринмайди, буларда такрорий ҳолатлар ҳам учрамайди. Отабекнинг тили Ҳомидникига, Юсуфбек ҳожининг тили Ҳасаналиникига ўхшамаганидек, Кумушбибининг тили Зайнабникига, Офтобойимнинг тили Жаннат хола ёки Отабекнинг ойиси Ўзбекойимнинг тилига сира ўхшамайди.

Шуниси эътиборлики, ёзувчи “Ўтган кунлар” асари тилини яратишда ўзбек мумтоз адабий тили ва қадим жангномалар ҳамда шулар руҳидаги эски китоблар тили ва услубидан ҳам фойдаланган ҳолда ўзига хос янгича реалистик тасвир тилини яратса олган эди. Тўғри, бу роман матнида эскирган, ҳозирги китобхон учун унчалик таниш бўлмаган иборалар, баъзан айрим арабча ва форсча сўзлар ҳам учраб туради. Лекин улар роман тилининг содда ва тушунарли бўлишига сира ҳалал етказмайди, аксинча, давр колоритини бериш учун ўзига хос бадиий восита вазифасини бажаради. “Қоши қўяман деб кўз чиқарди”, “Бошга тушганни кўз кўрар”, “Ўлганнинг устига чиқиб тепгандек”, “Оёғи қуйган товуқдек” каби бир қатор мақол ва ўхшатишлар романнинг умумтасвир тўқимасида алоҳида жилоланиб туради.

⁹ Абдулла Қодирий. Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак // Бадиий ижод ҳақида (ёзувчиларнинг нутқ ва мақолалар тўплами). – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1960. – Б. 206.

Ёзувчининг иккинчи романи “Мехробдан чаён” (1929)да ҳам Анвар, Раъно каби ижобий қаҳрамонларнинг индивидуал қиёфаси ва характери, ҳолат ва қайфиятлари шоирона моҳирлик билан кўрсатилган, уларни адиб худди рассом мўйқалами билан чизган каби реал, жонли қилиб тасвирилаган. Гуллар орасига яширинмоқчи бўлган Раъною ва бу “Раъно гули”нинг ошиғи, шоир табиат, ўткир зеҳн соҳиби Анвар китобхонлар кўз ўнгидаги борлиқ камолоти билан намоён бўлади: гулга нисбат берилган жасур ва оқила қиз Раънонинг ёшлиқ шўхликлари, балоғат ёшидаги латиф қилиқлари, “қуёшсиз жойда қора кўриниб, қуёшда эса бироз сарғиш товланувчи гунгурт – қора” соchlарию нафис бир “кўйилиб кўтарилиш” билан ажralиб турувчи қилич қошлари ... ва ҳатто “нафис иринларининг юқори қисмида сезилар-сезилмас” кўкариб турган майин тукларигача ёзувчи тасвиридан четда қолмаган.

Абдулла Қодирий бу романда тасвириланган Анвар, Раъно, Сафар бўзчи, Султонали, Нигорхоним, Маматқул, Шариф, Солиҳ маҳдум, Худоёр, Шоҳидбек, Шаҳодат муфти, Абдураҳмон домла ва бошқа шу каби образларни маҳорат билан тасвирилаган. Ёзувчи, айниқса, Солиҳ маҳдум характерини очишда жуда катта маҳорат кўрсатган. Энг муҳими шундаки, ёзувчи бу образ тасвирини ғоят қулгили тарзда беради. Асар бошида енгил ва қувноқ характер касб этган бу қулги роман охирига келиб истеҳзоли, аччиқ, даҳшатли қулги тусини олади.

Ёзувчининг “Мехробдан чаён” романи ўзининг тили ва услуби жиҳатидан ҳам алоҳида ажralиб туради. Бу асарда муаллиф тасвирида содда ифодавийликка, мантиқийликка эришган, халқ тили бойликларидан, мақол ва иборалардан кенг ва ўринли фойдаланган.

Шуниси муҳимки, ёзувчи бу асарда мақол ва иборалардан фақат ўрни келгандагина фойдаланган. Масалан, “Ўчадиган чироқ ёниб ўчади” мақолини адиб хонга нисбатан кўллаб, хоннинг эски сарой ўрнига янги сарой қурдираётганига киноя қилади ҳамда тўртта сўздан ташкил топган

мазкур мақол билан тўрт-беш саҳифани тўлдириб ҳам айтиш қийин бўлган мазмунни ёрқин ифодалашга эришади.

Ёки “*Қуши тилини қуши билади*” мақолини қўллаш орқали ёзувчи Раъононинг бувиси Моҳлар ойимнинг бошидан кўп иссиқ-совуқликлар ўтганига ишора қилади. Баъзан адаб мақолнинг ёлғиз шаклини сақлаб қолиб, унинг олдинги сўзлари ўрнига бошқа сўзларни киритади ҳамда янги мақол ҳосил қилади. Масалан, асарда ишлатилган “*Саллалик эшакнинг диринглаши оғилхонанагача*” мақолининг янги варианти саналади. Айрим ҳолларда тасвир давомида ёзувчининг ўзи ҳам янги мақол ва ибораларни яратишга интилади. Жумладан, “*Васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажср эса камолотга эришитирувчи*”, “*Ноаҳлнинг қўли остида ишлагандан аҳлнинг жасида тишиланган маъқул*” кабилар шундай янги мақоллар қаторига киради.

Умуман, Абдулла Қодирий тасвирда деворни тилга кирита олади, десак муболаға бўлмайди. У сўзларни гоҳ чистон, гоҳ асқия усулида қўллаш йўли билан ҳам ўз муддаосини тушунтиришга эриша оладиган улкан адидир. Бу фикрлар исботи учун ёзувчи романларидан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Абдулла Қодирийнинг ёзувчи, адаб сифатидаги энг катта хизмати шундаки, у биринчилардан бўлиб ўзбек реалистик романини яратиб берди. Ўзбек тилининг нақадар бой ва гўзал тил эканлигини, унинг тасвирлаш имкониятларини амалда исбот этиб, ўзидан кейинги ёзувчиларга бу соҳада катта намуна кўрсатди. Ҳозирги вақтга келиб роман ўзбек адабиётининг етакчи жанрларидан бирига айланди. Бу жанр тараққиёти бошида улуғ сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг туриши адабиётимиз учун катта фахр ва ғуур саналади. Абдулла Қодирийнинг бадиий тил маҳорати ҳақида Ф.Насриддиновнинг “Адибнинг йўли” (1971), “Маҳорат жилолари” (1974), Ҳ.Қаҳхорованинг “Абдулла Қодирий фразеологияси” (1985) каби бир қатор илмий тадқиқотлар яратилган эди. Мустақиллик йилларида Абдулла Қодирийнинг бадиий тил соҳасидаги маҳорат сирлари янада чуқурроқ

тадқиқ этилмоқда. Масалан, М.Қўшжонов, Б.Каримов, У.Норматов сингари олимларнинг йирик монографиялари¹⁰, жамоавий илмий тўпламларнинг эълон қилинганлиги¹¹, бир қатор олимларнинг номзодлик диссертациялари тайёрланиб, ҳимоя қилинганлиги¹² ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Ўзбекистон Халқ ёзувчisi Пиримқул Қодиров тўғри таъкидлаганидек, “энг яхши ёзувчиларимизнинг бадиий тил бобидаги тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, оммалаштириш, адабий тилнинг соғлиги ва бойлиги учун астойдил курашиш – тоза ҳаводан нафас олишдек бир заруратга айланиши керак”¹³. Шунга кўра, улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг бадиий тил соҳасидаги маҳорати бундан кейин ҳам янада чуқурроқ ўрганилади ҳамда ёш ёзувчилар учун улкан ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласкеради.

1.2. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланилган арабий сўзларнинг таҳлили

«Ўткан кунлар» романининг маъно-мундарижа доираси ниҳоятда кенг. Унда хилма-хил инсоний тақдирлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, оиласвий-ишқий муаммолар қаламга олинган. Бироқ улар орасида

¹⁰ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги (Қодирийга армугон). – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1994. – 130 б.; Карим Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2006. – 186 б.; Норматов У. Қодирий мўъжизаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 242 б.

¹¹ Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси. – Тошкент: Университет, 1994. – 120 б.; Адабиёт, бадиият, абдиият (хотиралар, бадиалар, мақолалар). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 236 б.

¹² Бобониёзов А.Ю. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 23 б. Қаҳрамонов А.Я. “Мехробдан чаён” роман поэтикаси. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 26 б.; Тошмуҳамедова Л.И. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг лугавий-маъновий ва услубий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.; Джалолова Л.О. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 22 б.; Кадирова Х.Б. Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмдан фойдаланиш маҳорати. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 26 б.

¹³ Қодиров П. Тил ва дил // “Шарқ юлдузи” журнали, 1972. № 5. – Б. 188.

юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласи алоҳида ажралиб туради. Бинобарин эл-юртнинг мустақиллиги, бирлиги масаласи романнинг пафосини ташкил этади. Асарнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожилар шу юрт истиқоли, фаравонлиги, осойишталиги йўлига ҳаётини, жонини тиккан фидойи кишилардир. «Ўткан кунлар» бамисоли улкан ва тиниқ кўзгу, унда Ўзбек миллатининг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, урф-одатлари, руҳий-маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равshan гавдалантирилган. «Ўткан кунлар», бир қараашда, анъянавий ишқ достонларини ҳам эслатади. Унда Отабек билан Кумушнинг ишқий саргузаштлари, фожиаси жуда катта маҳорат билан тасвир этилган. Асадаги ишқий саргузаштлар китобхонни ҳаяжонга солади, Отабек билан Кумушнинг гўзал баҳтини барбод этган омиллар кишини чуқур Ўйга толдиради. Муаллиф ошиқларнинг ишқий саргузаштлари баҳонасида муайян тарихий даврни — Туркистоннинг рус босқини арафасидаги аҳволи, қора кунларини кўз олдимизда гавдалантиради. Қодирий ишқий саргузаштлар кўринишида ўлканинг тутқунликка тушишининг бош сабаби жаҳолат, қолоқлик ва ўзаро ички низолардир деган фикрни ғоят усталик билан айтади. Гарчи романда адаб шахс характери ва қисматини мухит, шароит, ижтимоий муаммолар билан чамбарчас алоқадорликда тасвир ва таҳлил этсада, инсон шахсининг мухит ва шароитга боғлиқ бўлмаган туғма, сирли-сехрли ғаройиб шеваларига ҳам эътиборни тортади. Бу жиҳатдан бир оила, бир хил шароитда туғилиб вояга етган сажия-характер, сурат ва сиймо важидан икки олам — эгачи-сингил Зайнаб ва Хушрӯйбиби образларининг талқини ғоят ибратлидир. Бири муте, итоаткор, нуқул ўзгалар изни билан иш кўради; иккинчиси эса дадил, мустақил, Ўз баҳти ва тақдири учун фаол кураш олиб боради. Ёзувчи бу икки шахс характерига хос туғма хусусиятларни шарҳлаш билангина чекланмайди, бундай хислатларнинг ўша кимсалар, қолаверса ўзгалар тақдирига кўрсатган таъсири, фожейи оқибатларини ҳам ифода этади. Ўзини бошқалар ихтиёрига топшириб қўйган Зайнаб шу ожизлиги туфайли ўз баҳтига зомин бўлибгина қолмай,

яна ўша ожизлиги туфайли ўзгалар қуткуси орқасида беихтиёр жиноятга қўл уради — Кумушга заҳар беради. Мустақиллик, дадиллик — яхши хислат, бироқ унга худбинлик аралашса балои азимга айланиши мумкин. Хушрўйбиби ўз баҳти учун курашади; шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди; бировларнинг кўз ёшлари ҳисобига, ўзгаларнинг баҳтиқаролиги эвазига ўз баҳтини тиклайди. Романдаги Ўзбек ойим образи ҳам нихоятда табиий ва гўзал сиймолардан биридир. Думбул табиат бу аёл ўғли Отабек, қолаверса келинлари — Кумуш, Зайнаб тақдирларининг чигаллашиб кетиши, охири фожиага юз тутишида бош сабабчи экани аён. Бироқ ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, ўта андишли адиб уни кескин қоралашга тили бормайди. Нима бўлганда ҳам, Ўзбек ойим, барибир она... Айни пайтда ростгўй, реалист ёзувчи онанинг пала-партиш, довдир хатти-харакатларидан, табиатидаги айрим камчиликларидан кўз юмиб ўтолмайди. Бу борада адибга халқона юмор қўл келади. Бу образ тасвири бошдан-оёқ ажиб сержило — ҳам киноя-кесатиқларга, ҳам ардоқ-мехрга тўла юмор билан йўғрилган. Хуллас, «Ўткан кунлар» романи тўқима қаҳрамонларнинг ҳаётийлик касб этиши ва тарихий воқеаларга уйғунлиги жиҳатидан ҳам, мужассамот бутунлиги ва тилидаги нафосати жиҳатидан ҳам ўзбек адабиёти ҳазинасидаги дурдоналар қаторидан ўрин олгандир. «Ўткан кунлар» ўзбек адабиётида илк роман бўлишининг ўзи биланоқ илгари босилган катта қадам эди.

Барчамизга маълумки, қадимдан халқлар миллат ва элатлар ўзаро иқтисодий сиёсий, маданий алоқа ва муносабатда бўлганлар. Уларнинг муносабатидаги ривожланиш ва тараққиёт замонавий ана шу халқларнинг тиллари лексикасида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳеч қандай халқ ўз тараққиёти йўлида бошқа халқлар билан алоқа қилмасдан, айри хўжалик яратиш бўлмаганидек, биронта халқнинг тили якка ҳолда тараққий этиши мумкин эмас.

Шунга кўра ҳар бир тилнинг лексикасида этимологик жиҳатдан шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардан ташқари, бошқа тиллардан кирган

лексик элементларнинг бўлиши ҳам табиийдир.

Араб тилидан кирган сўзларнинг тақдири тарихан турличадир Шундай сўзлар ҳам мавжудки, ўзгариб ҳозирги ўзбек тилидаги семантик эволюцияси, айниқса, характерлидир. Бунда халқ ижодий қайта ишлаган халқнинг сўзлашув тилига сингиб кетган кўпгина сўзлар ўз маъноларини кенгайтирган ёки ўзгарган. Зеро “ҳар бир тилда мавжуд бўлган сўз, ўсимлик ёки хайвонларнинг хужайралари сингари ўзларига хос ҳаёт кечирадилар” уларнинг семантикаси, орфографияси тўхтовсиз ўзгариб туради. Шунингдек сўзларнинг маъноси ҳам ўзгариб боради.

Ҳар бир сўз маъно эътибори билан диалектик харакатда бўлади. Вақт ўтиши билан унинг маъноси ўзгаради. Баъзи сўзлар ўз маъноларини торайтиради, ўзгартиради ва йўқотадилар. Баъзилари сўз ўзгартирувчилар тил таркибида ўз маъно тузилишларини кенгайтиришлари ҳам мумкин. Сўзларнинг маънолари шаклан эмас, жамоатчилик дунёкараши талаби билан белгиланган вазифаларга кўра вужудга келади. Бу ҳодиса сўз маънолари тараққиётининг маълум бир қонуният борлигини, бу тараққиёт энг охири кишилик жамияти тараққиётида, унинг моддий ва маданий тараққиётига боғлиқ эканини аниқлашга имкон беради.

Ўзлашма сўзлар семантик тузилишининг кенгайиши ва ўзгариши маъно системасининг тараққиётига алоқадор ҳодисадир.

Умуман, ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар лингвистик асарларда энди ўзгарилаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Кўпгина лингвистларнинг илмий ишларида бу соҳани чуқур ўрганишга ҳаракат қилишган. Фақат аксарият лингвистларнинг илмий ишларида тил тараққиётининг у ёки бу боскичларида тилларга кириб келган ўзлашма сўзлар хусусида ёки баъзи мутафаккирларнинг асарларидаги хусусиятлари ҳақида тўхтаб ўтилган холос. Шунга кўра ҳозирги замон ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар ҳақидаги тўлақонли илмий ишларнинг ҳоли тилшунослик олдида турган вазифалардан ҳисобланади. Бизнинг бу йўлдаги изланишимиз юқорида айтиб ўтилган вазифани бажарилишида

кичик бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида қилинаётган бир ҳаракатдир.

Арабий сўзлар ўзбек тилида ўзлаштирилганда, фақат мазмун томонидан эмас, балки фонетик ва грамматик жиҳатдан ҳам маълум ўзгаришларга учрайди. Мазкур ишда, биз фақат лексик маъно таркибидаги ўзгаришларга тўхталамиз.

Арабий сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши хилма хил бўлганлиги сингари уларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар ҳам турлича. Ана шулардан дастлабкиси семантик кенгайиш ҳодисаси ҳисобланади. Гарчи таникли тилшунос 1949-йилда Фотих Абдуллаев “Ўзбек тилида ўзлашган арабизим” номли мақоласида ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишидан кенгайиш ҳодисасига қисман тўхталиб ўтган бўлсада, бу ҳодиса тўлақонли ўрганиш обьектига айланмаган. Лекин ана шу йуналишдаги изланишни самарали ва кенг қамровда олиб борган тилшуносларимиз ҳам йўқ эмас, булардан И. Л. Раҳмоновнинг “Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашга сўзларнинг семантик тузилишидаги ўзгаришлар” номли 1994-йил эълон қилган ишлари бу соҳани ривожига ҳам катта ҳиссасини қўшган. Бу масалада сўз семантик тузилишининг ўзгариши уч хил йўл билан вужудга келиши айтиб ўтилган. Булар қуидагилар:

1. Сўз маъноларининг кенгайиши,
2. Сўз маъноларининг торайиши,
3. Сўз маъноларининг кўчиш ҳодисаси.

Сўзниң семантик тузилишидаги ўзгаришлари қуидагича тасниф қилинади:

1. Ўз маъносини сақлаб қолган ўзлашмалар,
2. Сўз маъноларининг кенгайиши,
3. Сўз маъноларининг торайиши,
4. Ўзлашмаларнинг умуман янги маъно касб этиши яъни сўз маъноларининг ўзгариши ва зидлашуви.

Ўзлашмаларнинг ўзлашиш жараёнида ёки ўзлашгандан сўнг турли хил ўзгаришларга юз тутганлиги ҳамда маъно жиҳатдан тўла мослашмаганлиги учун ҳам таркибий яъни компонент таҳлил қилиш кўзланган мақсадга эришишдаги энг қулай усул эканлиги яққол ташланади.

Бу илмий тадқиқот ишимнинг асосий қисмларидан бири араб тилидан кириб келган сўзларнинг ўзгаришидир.

Мисол учун, “амлок” сўзини олиб қарасак, ер - мулқ, мол-дунё шу билан бирга тарихан бизга маълумки, Бухоро хонлигига ер-мулқдан ўлпон олиш учун ажратилган ҳар бир маъмурий чегараланган туман маъноларини билдиради. Асадан “амлок” сўзи мол-дунё маъносида келтирилган. دَسِيْسَة - маъноларга эга.

“эътимод” - самимий, тўғри, одил деб ҳисоблаб қаттиқ ишониш шунга кўра ишонч, яна бир маъноси кўзда тутилган, ишонилган кимсадан кутилган, ишга боғланган умид, ишонч.

“**هَدَفٌ**” “хадаф” - нишон, бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, кўчма маънода эришиш, кўлга киритиш, кўзда тутилган,

ҳаракат йўналтирилган нарса, максад.

“имдод” - сўзи мадад етказиш, кўмак, ёрдам каби маъноларда келади. “ионат” моддий ёрдам, нафака ёки бирор кори хайр учун турланган пул. “мақтул” - қатл этилган, ўлдирилган.

“машварат” — кенгаш, маслаҳатлашиш.

“мусоҳиб” - сўзи авваллари ҳамсуҳбат, сухбатдош маъноларида келтирилган.

**П.БОБ. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР”
РОМАНИДА АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЛЕКСИК ВА
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**2.1. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ЎТКАН КУНЛАР”
РОМАНИДА АРАБИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Энди ана шу арабий сўзларнинг Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида қўлланилганлигига мисоллар келтирмоқчимиз.

Масалан:

“Мени Тошкент ҳокимлигида азл этмоқчи ва ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар”¹⁴, жумласидаги “عُزَّى” сўзи “Ан-Наъим” лугатида узоқлаштирумок, ажратмоқ, мансабдан узоқлаштирумок, бўшатмоқ, ёлғиз қолмоқ, ўзини хилватга олмоқ каби маъноларда келган. Ана шу сўзнинг ўзбек тилида асл маъносини билиш учун “Ўзбек тили изоҳли лугати”ни кўздан кечирганимизда “азл” сўзининг бекор қилмоқ, четлатмоқ, бўшатмоқ (ишдан, мансабдан) каби маънолари борлигига гувоҳ бўлдик.

“Бу киши Азизбекнинг амири лашкари ва ўнг қўли бўлган Раимбек доддоҳ эди”¹⁵.

“أمر” сўзи лугатда “амр”, буйруқ берувчи, бошлиқ, губернатор, маъноларига эга. Ўзбек тили изоҳли лугатида эса тарихдан Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик, унвони ҳамда шу унвон эгаси. Шу билан бирга эркаклар исмини англатади.

“Эртаси кун бутун Марғилон деярли Малик бойнинг майдонида воқеъ бўлган ишга жуда ҳайрон эди”¹⁶. Бу жумлада учраган “воқеъ” сўзи ўзбек тили изоҳли лугатида содир бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ, каби маъноларини учратишимиз мумкин.

¹⁴ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 118.

¹⁵ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 78.

¹⁶ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 240.

“Ан-Наъим” луғатида эса ”وَاقِعٌ“ сўзини пастга тушиб кетаётган, ағдарилаётган, воқеъ бўлаётган, бўлиб ўтаётган, амалдаги, жорий, жойлашган, қуниб турган (қуш ҳақида) маънолари келтирилган.

“Хозир иноднинг ўрни эмаслигини ҳарчанд уқдирмоқчи бўлдим, кўнмади¹⁷. “Инод” бу сўзнинг ўзбек тилидаги лугавий маънолари бўйин товлаш, ўжарлик, қийиқлик “عَنَادٌ” араб тилидаги маънолари саботлилик, қайсаарлик, событлик, қаршиликдир.

“Отабек дадасининг бу кейинги сўзига қаршиҳхеч нарса демади гўё ҳамма аламини юқоридаги икки жумла билан чиқариб юборгандек сомелик даражасига тушди”¹⁸.

“Соме” – кўпроқ тарихий китобларда учрайди ўзбек тили изоҳли луғатида эшитувчи, тингловчи, шу билан бирга, Қуръон ўқиётган қори янглишганда ёки унутиб тўхтаб қолганда луқма солиб турувчи иккинчи қори номи маъноларида келтирилган. Арабча-ўзбекча луғатда “سَامِعٌ” сўзининг эшитувчи, қулоқсолувчи, тингловчи каби таржималари келтирилган.

“У сесканди, кўз ўнгидан кечаги мазлум гавдалар бирма-бир ўтиб, хатни бувлади ва улардан яширгандек чўнтағига тиқди”¹⁹, “Мазлум” сўзи изоҳли луғатда зулм остида қолган, эзилган маъноларини кўрамиз. “مَظْلُومٌ” “Ан-Наъим” луғатида эзилган, таҳқирланган, адолатсизлик, чекувчи маънолари келтирилган.

Шу йўсинда маккор Ҳамиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамали ишдан чиқара ёзганким бу тўғрида, айниқса, сизга сўзлаш ортиқчадир”²⁰. دَسِيْسَة - арабча-ўзбекча луғатда фитна, ёмонлик, фириб, панд каби таржималари учрайди. ўзбек тили изоҳли луғатида ҳийла, найрангдек

¹⁷ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 282.

¹⁸ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 285.

¹⁹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 288.

²⁰ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 280.

маъноларига эга.

“Сиз ҳурматлиларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолдирадиган туёқимиз ва кўз тиккан орзу ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир”²¹. Бу жумлада келган “ҳадаф” сўзининг ўзбекча лугавий маъноси бирор нарса ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, нишон, кўчма маънода эришиш, қўлга киритиш, кўзда тутилган, ҳаракат йуналтирилган нарса, мақсад. арабча-ўзбекча лугатда нишон, объект, мўлжал каби маънолари келтирилган. “Ҳадаф” сўзи ҳозир ўзбек тилида ишлатилмаса-да, тилдаги маънолари бир- бирига яқинлигининг гувоҳи бўлдик.

“Йўлакдаги мажхул кимса ўзини майдон ичига олди”²².

مَجْهُول - сўзининг “Ан-Наъим” луғатида, номаълум, нотаниш, келиб чиқиши номаълум, яшириндек маънолари мавжуд. Ўзбек тили изоҳли луғатида номаълум, ноаниқ маънолари бор.

“Кумушбиби бинт Мирзакаримбойга - завжи тошкентлик Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлидан”²³.

Асарда келтирилган бу жумлада иккита араб тилидан кириб келган сўзлар мавжуд. “Бинт” сўзи авваллари хотин-қизлар исмидан кейин “қизи” маъносини билдириш учун қўлланилган, Бу “بِنْتٌ” сўзи араб тилида қиз бола маъносини беради. “Завж” сўзи эса “эр”, қайлик маъноларида қўлланилган. “Ан-Наъим” луғатида “جُنْجُونٌ” сўзининг жуфт, эр, хотин, рафиқа каби таржималари келтирилган.

“Тўрт йил чамаси қилган хизматимдан сўнг ҳалиги устакорга халфа бўлиб ишлай бошладим”²⁴. Бу сўзининг ўзбек тили изоҳли луғатида куйидаги маънолари берилган:

²¹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 136.

²² Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 279.

²³ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 161.

²⁴ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 183.

Шароит ақидаларини яхши биладиган одам, ўқимишли одам, мактабда ўқувчилар орасидан бошлиқ қилиб тайинланган, домлага кўмаклашадиган ўқувчи, бирор кишининг қўл остида қарам бўлган ҳолда ишлайдиган, мустақил иш юритишга ҳукуки ёки имкони бўлмаган уста, хунарманд, шогирд.

“Аммо мусоҳаба шунинг билан тўхталиб орага яна бояги жимжитлик кирди”²⁵.

“Мусоҳаба” сўзи имло луғатида сухбатлашиш, ҳамсухбатлилик, сухбат, давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган сухбати, интервью.

Арабча-ўзбекча луғатда ^{مُصَاحَبَة} **سُؤْزِ مُصَاحَبَة** сўзининг йўлдош, ҳамроҳ бўлиш, ва бу

сўз ^{صَاحِبٌ} **صَاحِبٌ** сўзининг маъно жиҳатдан маънолари келтирилган.

“Уста Олим узоқ тин олишгандан сўнг давом этди, -“.... яқинлашди лекин абадий баҳтсизлик кунларим, манҳус соатларим ҳам яқинлашди”²⁶.

“Манҳус” сўзи араб тилидан таржима қилинганда баҳтсиз, бадбаҳт маъноларига эга.

Ўзбек тили изоҳли луғатида иши юришмаган, баҳтсизлик келтирувчи, шум, шумоёқ, манфур, жирканч маънолари берилган.

“Бу мақтуллар кимлар бўлса бўлсин, бизнинг ийимиз орқасига яхши ният билан келувчи кишилар эмас ва буларнинг тупроққа қориширувчи ҳам бизга хайриҳо бўлган котил ё котиллардир.”²⁷.

“Мақтул” сўзининг луғавий маъноси қатл этилган, ўлдирилгандир. “Ан-Наъим” луғатида ^{مَقْتُولٌ} “**مَقْتُولٌ**” -қатл қилинган, ўлдирилган, қурбон сингари таржималарини қўришимиз мумкин.

²⁵ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 151.

²⁶ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 192.

²⁷ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 247.

“Менинг тўқиган ишларим ва чиқарган янги нусхаларим ҳаммага мақбул.”²⁸ “مَقْبُولٌ” сўзи луғатда қабул қилинган, мақулланган, мақбул бўлган, ёқимли маънолари мавжуд. Ўзбек тили изоҳли луғатида қабул қилса, мақулласа бўладиган, мақул келадиган, мақул маънолари келтирилган.

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар.”²⁹.

Бу келтирган мисолимиздаги “мозий” сўзи тарихий китобларда ўтмиш, ўтган замон маъноларида қўлланилган. “المَضِي” сўзини арабий маъноси ҳам мозий, ўтмишdir.

“бильякс бу хийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз, бир жаллод, уятсиз бир йигит”³⁰.

“Жаллод” сўзига ўзбек тили изоҳли луғатида қуидаги таърифлар берилган:

1. Ўрта Осиё хонликларида, ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини оловчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этувчи одам,

2. кўчма маънода: каллакесар, қотил. “Ан-Наъим” луғатида “جَلَّ” сўзининг жаллод,” терифуруш, тери сотувчи маънолари берилган.

“Хон беклари томонидан хирож учун юборилган девонбекларини ўлдирган!”³¹. “Хирож” сўзининг луғавий маъноси тарихда, феодал мусулмон ҳукмронлари даврида дехконлардан олинадиган ўлпон, солик. Арабча-ўзбекча луғатда چارچे сўзининг ер солиги, мулк, ер, сув (қишлоқлар қўралар ва х.,к.з) сингари таржималари келтирилган.

²⁸ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 184.

²⁹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 4.

³⁰ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 158.

³¹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007. – Б. 31.

2.2. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги арабий ўзлашмаларнинг лексик таҳлили

Асарни ўқиши давомида учраган сўзларва уларнинг маъноларини берар эканмиз, бунда биз Ан Наъим” номли “Арабча-ўзбекча лугат”идан фойдаландик. Сўзларни лексик таҳлил қилиш уларнинг араб тили ва ўзбек тилидаги маънолари ўртасидаги умумийлик (яқинлик) ва фарқлиларига алоҳида эътибор бердик. Яна ҳар бир сўзнинг актив ишлатилган пайтидаги маъноси билан ҳозирги пайтдаги муомаладаги маънолари ўртасидаги тафовутларга ҳам эътибор қаратдик. Лекин ҳозирги кунда муомаладан чиққан баъзи арабий сўзларнинг этимологиясига алоҳида тўхталиб, ҳозир у ёки бу сўзлар ўрнига кайси сўзлар ишлатилаётганлигига мисоллар бериб уларни шарҳлашга ҳаракат қилдик.

1. Адл — адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик. Арабчадан таржима қилинганида ҳам “адолат”, “тўғрилик”, “софдиллик” каби маъноларини беради.

2. Адойи” сўзи арабий ва форсий сўзлардан ташкил топган ва у “адо бўлмоқ,” маъносини беради.

3. Азл — бекор қилмоқ, четлатмоқ, ишдан, мансабдан бўшатмоқ.

4. Азм — китобларда қатъий қарор, жазм маъноларини беради.

5. Алайҳи - шунга биноан, бинобарин.

6. Алҳазар - диний сўз бўлиб - Худо сақласин, тавба, ажабо.

7. Амир — тарихда Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони, ҳамда шу унвон эгаси.

8. Амлок - катта ер-мулқ, ер-сув, ховли-жой, бог-рог, умуман мулқ, мол- дунё; тарихда Бухоро хонлигига ер мулқдан улпон олиш учун ажратилган хар бир маъмурий чегараланган туман.

9. Амният - хавф-хатардан аминлик, хавфсизлик, бехавотирлик, арабчада ҳам хавфсизлик, кафолат, ишончлилик, маъноларини беради.

10. Амр - буйрук, фармойиш, фармон, ихтиёр, изн.

11. Анво (и) - тур, турлар, жинслар, хилма-хил, турли-туман, ранг-баранг.

12. Арш - динимизда Худонинг тахти, қўчма маъноси омон, фалак; авваллари уй ичининг тепаси; шифт маъноларида қўлланилган.

13. Асно - бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, содир бўлиб турган пайт, фурсат, чоғ; қисқа муддатли икки воқеа оралиги.

14. Алваддайн - китобда ваъдасиз бўлмаслик.

15. Афв - кечирим, узр.

16. Афифа - покиза, тоза, иффатли аёл; шу билан бирга қизларнинг исми.

17. Ахволот - ҳол, ахвол, вазият, шароит.

18. Баайни - форсча ва арабча сўз бўлиб, ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш; айнан ўхшаш, худди ўзи маъноларини беради.

19. Байт - адабиётда аruz вазнида ёзилган икки мисрали бир банд, шеърий парча; сўзлашув тилида, умуман, шу жанрда ёзилган шеър ёки шеърий парча.

20. Бахс - илмий, адабий ва бопща мавзулардаги мунозара; сўзлашув тилида, ҳар ким ўзининг маъқуллаш, талашув, тортишув, фан ёки бирор илмий асарда маълум бир масалага оид қисм, бўлим; бирор масалага оид гап, сўз.

21. Бильякс - равиш, китобларда, аксинча, акс ҳолда.

22. Бинт - авваллари хотин-қизлар исмидан кейин “қизи” маъносини билдириб, келадиган сўз.

23. Бисот - хотинларнинг ўзига тегишли моли; мол-дунёси; кишига, оиласа, хўжаликка қарашли мол-дунёси; қўчма сўзлашув тилида кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса, бойлик.

24. Боқий - доимий, абадий, мангу, тирик.

25. Билттифоқ - равиш булиб, иттифоклик билан келишиб каби маъноларини англатади.

26. Дафъа - марта, карра.

27. Дафъатан - равиш булиб, кутилмаганда, бирдан тўсатдан, кукисдан, дастлаб, бошида, аввалига.

28. Даюс - кушмовчи, далла.

29. Дастуриламал - форс ва арабча сўз; низомнома, устав.

30. Дасиса - хийла, найранг, макр, араб тилидан таржимаси ҳам фитна, ёмонлик, фириб, панд.

31. Эътимод — самимий, тўғри, одил деб ҳисоблаб қаттиқ ишониш, шунга асосланган ишонч; кўз тутилган, ишонилган кимсадан кутилган, унга боғланган ишонч, умид.

32. Эҳсон - ҳайирли, савобли иш, кори ҳайр; эзгулик; динимизда Худо йўлига бериладиган зиёфат, ҳайр-садақа, ҳайр-саҳоват, Худойи; хадя, инъом.

33. Фасод - асл маъноси тирик организмнинг яллигланиши, чириши туфайли вужудга келадиган қўланса ҳидли сарғиши-кўкиш қуюкроқ суюқлик; йиринг, кўчма маънода, фитналик билан қилинган ифво, фитна.

34. Фақир - моддий жиҳатдан ночор, камбағал қашшоқ; сўзловчи камтарлик ифодаси сифатида I шахс ўрнида ёки “мен”, “биз” олмошлари билан бирликда ишлатилади.

35. Фироқ - энг яқин, севимли кишидан айрилиш; айрилик, жудолик; ҳижрон кулфати; инжиқлик, эркалик, тантиқлик.

36. Фирқа - гурух, тўда, партия.

37. Фитр - динимизда рўзанинг тамом бўлиши; рўза тамом бўлиши билан одатдагидек овқатланиш хуқуқига эга бўлиш; рўза охирида камбағалларга, муллаларга бериладиаган садақа, эҳсон.

38. Фотих - бирор шаҳар, давлат, мамлакатлари урушиб қўлга киритган, забт этган ғолиб; жаҳонгир.

39. Футур - заарар, шикаст, зиён.

40. Ҳазин - кишини ғам кайғуга соладиган; мунгли, қайғули.

41. Ҳадаф - бирор нарса отиш ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, нишон; кўчма маънода эришиш, қўлга киритиш, кўзда

тутилган, ҳаракат йўналтирилган нарса; мақсад.

42. Ҳайф - бирорга берилган сарфланган нарса, ҳодиса, кимса ва шу каби номуносиб деб билиш, ачиниш.

43. Ҳижрия - айнан хижрий мусулмон йил ҳисобига тегишли.

44. Хилол - янги чиққан ой, 3 қунлик ой.

45. Ҳифз - киши саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш; тозалик, гигиена.

46. Ҳужра - киши яшайдиган кичкина хона, уйча; тарихда мадраса, қорихода, масжидда шогирдлар, домлалар яшаши учун ажратилган кичик хоналар.

47. Ҳузун – ғам, қайғу, ҳафалик.

48. Ҳабис - ярамас, ифлос.

49. Идда - динимизда эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча, шариат бўйича эрга тегиши ман қилинган юз қунлик муддат.

50. Изофот - эски китобларда қушиш, боғлаш, тиркаш; тилшуносликда, форс, араб ва баъзи туркий тиллар грамматикасида аниқланмиш билан ундан кейин жойлашган аниқловчини боғлайдиган урхусиз боҳловчи элемент.

51. Имдод - китобда мадад, етказиш; кўмак, ёрдам.

52. Инод - бўйин товлаш, ўжарлик, арабчада ҳам саботлилик, событлик, қайсарлик, қаршилик.

53. Истехзо - кимсанинг устидан кулиш, масҳара қилиш, мазах, киноя.

54.Истибодд - мустабидларнинг маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган хуқуқга асосланган жабр - зулм, эзиш; шу асосда кўрилган идора усули.

55.Истисно - равиш бўлиб, қонун-қоидадан, умуний тартибдан ёки қатордан, ҳисобдан ташқари; мустасно.

56.Истиғно - эътиборсизлик билан қараш, рўйхуш бермаслик,

беилтифотлилик; ўз обрүйини ошириш учун кимсаларга бепарво қилиб кўрсатиш; ноз килиш, ноз қарашма.

57. Итоб - таъна, танбех

58. Жаллод - Ўрта Осиё хонликларида; ўлим жазосига ҳукм қилингандарнинг бошини олувчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этувчи одам; кўчма маъноси, каллакесар, қотил; арабчада териifuруш; тери сотувчи.

59. Жаҳолат - илм-маърифатдан маҳрумлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, зулмат; айнан жаҳл.

60. Касофат - ёмон оқибатга олиб келадиган баҳтсизлик келтирадиган; ёмон оқибат, баҳтсизлик, фалокат.

61. Кифоя - қаноатланса бўладиган даражада; қаноатланарли, етарли.

62. Курси - бир киши ўтириши учун мўлжалланган одатда тўрт оёкли оддий мебель; суянчиксиз стул.

63. Куфрони неъмат — авваллари неъмат қадрини билмаслик; кўрнамаклик маъноларида қўлланилган.

64. Лобид - бирор ишнинг албатта бўлиши; бажарилиши зарурлигини таъкидлаш учун қўлланилган.

65. Луқма - бир чайнам, бир ютум, бир оғиз овқат; бирорга гапираётганда унинг гапига жавоб тариқасидаги изох,.

66. Мавзун - келишган, хушбичим, хушомат.

67. Мадраса - Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, революциягача бўлган Россиянинг кўпчилик халқи ислом динига амал қилувчи туманларида диний Олий ўқув юрти; Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошғармаси қошидаги диний мактаб.

68. Мажнун - иш савдоси натижасида девона бўлган кимса, савдои.

69. Мажкол - тирик организмнинг куч қуввати; мадор.

70. Мажруҳ~ярадор, жароҳатли; ногирон, майиб.

71. Мажҳул - номаълум, ноаниқ.

72. Мавж - сув юзининг жимир-жимир ҳаракати; товланиш, жилва; кам қўлланилади, тўлқин.

73. Мазлум - зулм остида қолган, эзилган, араб тилида маъноси ҳам эзилган, тақдирланган, адолатсизликдан азият чекувчи.

74. Маккор - макр-хийлага уста, айёр доғули; макр хийлага асосланган, макрли.

75. Майл - кишидаги нарса ёки ишга бўлган иштиёқ, қизиқиш; интилиш, ҳавас, мойиллик; истак, ҳоҳиш, рағбат; эрк, ихтиёр; грамматикада — ҳаракатнинг воқеъликка бўлган муносабатини англатувчи феъл категорияси.

76. Мактуб - кимсага ёзиб юборилган хат, нома; ёзма равища баён қилинган мурожаат; мурожаатнома; мурожаат тарзида ёзилган бадиий асар.

77. Манора - айн, минора.

78. Марҳум - вафот этган; ўлган киши.

79. Масъуд - баҳтли, саодатли; эркаклар исми.

80. Маъсум - бегуноҳ, пок, тоза; номусли, иффатли.

81. Мақбул - қабул қиласа маъқулласа бўладиган, маъқул келадиган; маъқул; қабул қилинган, маъқулланган, мақбул, мумкин бўлган, ёқимли.

82. Мақом - ўрин; жой; мартаба, мавқе.

83. Мақтул - қатл этилган, ўлдирилган, курбон.

84. Манхус - иши юришмаган; баҳтсизлик келтирувчи, шум, шумоёқ, манфур, жирканч.

85. Махлук - инсон ва жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи; кўчма маънода - ўхшовсиз хунук ёки ахлоқсиз киши ҳақида.

86. Махфий - ўзгача, бегонага билдирилмайдиган, бошқалардан сир тутиладиган; хуфия, яширин.

87. Машаққат - қаттиқ қийинчилик, оғирчилик, заҳмат.

88. Машварат - кенгаш, маслаҳатлашиш.

89. Машшоқ — халқ чолғу асбобларида мусиқа чалувчи созанда.

90. Маъшум - бахтсизлик, фалокат келтирувчи, бахтсизликдан дарак берувчи; шум; кўнгилсиз, нохуш.

91. Махбуба - махбуб аёл; маъшуқа.

92. Махбус - зиндонга солинган, қамоққа олинган, озодлиқдан маҳрум этилган киши.

93. Махкама - ҳукм қилувчи, ҳукм чиқарувчи идора, суд; умуман бошқарма, идора.

94. Махв - йўқ қилмоқ, битмоқ

95. Махр - никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратилган доимий ва шахсий мулк.

96. Махрам - тарихда, Бухоро ва Хива хонлигига сарой амалдорларининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли киши ва унинг мансаби; авваллари - ишончли хизматкор, чўри; сирдош, дўст, ҳамдам; динда, эр ёки хотиннинг шароит бўйича бир-бирини кўриши мумкин бўлган аммо никоҳ нораво бўлган яқин кариндоши.

97. Махрум - мұяссар, баҳраманд ёки эга бўлиш ёки фойдаланиш учун имкони, ҳуқуқи бўлмаган; бебаҳра, бенасиб.

98. Махшар - диний эътиқодга кўра дунё тамом бўлганидан кейин бутун улган кишилар тирилиб, сўроққа тўпланиш куни, қиёмат.

99. Махз - холис, тоза.

100. Минбаъд - бундан кейин; ҳеч, сира, асло.

101. Миршаб - Тарихда хонликларда тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи; милиционер.

102. Миқроз - авваллари, шам сухтасини кесадиган кичгина қайчи.

103. Можаро - ҳодиса, воқеа; ҳатарли иш, ҳавфли тадбир; кишининг бошидан кечирганлари, саргузаштлар; сўзлашувда - жанжал, тортишув, фалва.

104. Мозий - ўтмиш.

105. Моне - тўсқинлик, қаршилик, монеъ бўлиш, йўл қўймаслик.

106. Мубтало - бирор иллат, касаллик ёки кўнгилсиз воқеага учраган;

дучор бўлган; гирифтор; мафтун, шайдо, ошиқ.

107. Муддао - кишининг дилидаги мақсад, ният, мурод.
108. Музайян - юқори услубда безалган, безакли.
109. Мужассам - гавдаланган, мукаммал ва конкрет тус, шакл олган.
110. Мувоазе - ваъзхонлик.
111. Мулла - мадрасада таҳсил кўрган киши; дин арбоби, уламо, сўзлашувда - маълумотли, ўқимишли таҳдили; ҳурмат маъносига.
112. Муколама - сўз юритиш, сухбат.
113. Мулозим - тарихда ҳокимларнинг, амалдорларнинг ҳузурида уларнинг хизматида бўлган киши; ҳодим, хизматчи.
114. Мунаққош - нақшли, нақшдор, нақшланган.
115. Мунтазир - орзиқиб кутувчи, интизорлик тортувчи, муштоқ, интизор.
116. Муртад - динимиизда, диндан қайтган, Худога шак келтирувчи одам; сиёсий маънода, ўз сиёсий маслагидан қайтиб, душман томонига ўтган киши; сотқин, хоин; жирканч, палид.
117. Мусаллас - тарихда, айн, учбурчак; адабиётда уч мисрадан иборат булган шеър; учлик; хонаки қўлбола узум виноси; заводда тайёрланган спиртсиз виноларнинг бир нави.
118. Мусаллас - эски китобларда; қуролли, қуролланган, яроқ, аслаҳали.
119. Мусоқаба - эски китобларда, сухбатлашиш, ҳамсухбатлик, сухбат; давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан
120. Мусоҳиб - эски китобларда ҳамсухбат, сухбатдош.
121. Мустабид - мутлақ; ҳокимиятга эга бўлган ҳоким, истибодод эгаси.
122. Мустаҳиқ - сазовор, лойиқ.
123. Мутаассир - эски китобларда, бирор нарсадан таъсирланган, таъсир олган ёки таъсирланувчи.
124. Мутеъ - бировга қарам, тобеъ бўлган, итоат қилувчи, итоаткор.

125. Мутобиқ - мувофиқ, уйғун, түғри келадиган.
126. Муттаҳам - олди-берди мұомалаларыда нопок; фирибгар, қаллоб.
127. Мушарраф - шарафли, шонли; шарафға мұяссар бўлган, шараф топган.
128. Мушоҳада - кузатиш, кўз билан кўриб текшириш.
129. Муштоқ - ташналик, сабрсизлик билан кутувчи, зорикдан, интизор, мунтазир.
130. Муқаррар - вужудга келиши, юз бериши, амалга ошиши аниқ бўлган, шубҳасиз, турган гап; қарор топган, турғун ҳолга келган; тайинли.
131. Муқобала - қаршилик, қарши туриш.
132. Муқим - бир ерда доимий турувчи, туб жойли; доимо бўладиган, доимий.
133. Муғойир - эски ктобларда, ҳилоф, тескари.
134. Мугомбир - алдоқчилик билан иш кўрувчи; айёр
135. Мухосара - қамал, куршов, блокада.
136. Муҳофазат - айнан, муҳофаза, сақлаш қурқлаш ҳимоя қилиш.
137. Муҳофиз - муҳофаза, ҳимоя қилувчи, ҳимоячи, қўриқчи.
138. Маҳмал - ноаниқ, мужмал.
139. Нажиб - эски китобларда: ҳурматга сазовар, ҳурматли, мўътабар, мухтарам; аслзодаларга, зодагонларга мансуб зодагон.
140. Назр - динда, савоб учун ёки бирор муддао билан Худо йулига аталган ёки берилган нарса; азайимхон, домла ва шу кабилар учун бериладиган ҳақ, мол ёки пул.
141. Нафсиламир – ҳақиқатга мос; түғри, рост; кириш сўзлари ўрнида, ҳақиқатда, ҳақиқатан ҳам.
142. Нақл - халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя, ривоят; умуман бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя; халқ томонидан яратилган хикматли гап.
143. Нуқсон - киши номига номуносиб, уни салбий жиҳатдан

характерлайдиган белги; камчилик, иллат, қусур, айб; жисмоний ёки рухий камчилик; сифат жиҳатидан етишмовчилик, кам-күст.

144. Ожизона - арабий ва форсий сўз қўшилишидан ҳосил бўлган, равиш, ожизларча, заиф ва нотавонларча; сифат, итоаткорона, ҳақирона ёлвориш билан қилинган, ўтинчли.

145. Олийжаноб юқори даражада одобли, хулқ атвori, одамгарчилиги жуда баланд; улуғ, асл; юқори даражада ҳимматли, олийҳиммат, ҳиммати баланд; жуда яхши мисли йўқ

146. Осиб – офат, кулфат

147. Офият –эски китобларда, соғлиқ; соғ-саломатлик

148. Қози – ўтмишда шариат қонуни бўйича иш кўрган амалдор шахс

149. Қосид –хабарчи

150. Қатшом –қирғич

151. Риёзат – қийинчилик, машаққат, заҳмат; динда, дунёвий ишлардан ўзини нафсини тийиб қийналиш, ўзини қийнаш,

152. Руқн - устун, калонна; кўчма, асос, таянч; адабиётда шеър банди.

153. Ружубот - бирор нарсадаги намлик, заҳлик.

154. Садаф - марварид ҳосил қиладиган, молюскаларга мансуб бир турли денгиз жонивори; шу жониворнинг ва бошқа баъзи молюскаларнинг чиғаноғидан тайёрланадиган, ранг-баранг товланиб турадиган ялтироқ модда.

155. Савт - овоз товуш.

156. Сайд - эски китобларда баҳтли; эркаклар исми.

157. Салот - авваллари динда, ибодат, намоз; Худо ва пайғамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано.

158. Саҳн - бирор чекли юза, майдон.

159. Сиймо - китобларда, қиёфа, кўриниш; адабиётда, образ.

160. Сокит - сукут сақловчи, жимжит, сукутдаги.

161. Соме - эски китобларда эшитувчи, тингловчи; динимизда, Куръон ўқиётган қори янглишганда ёки унутиб тўхтаб қолганда луқма

солиб турувчи иккинчи қори.

162. Соҳира - сехрли, афсунгар.

163. Субҳ - эрта тонг пайти; сабоҳ, сахар.

164. Таадди - эски китобларда шафқатсиз эзиш; жабр, зулм; кўчма маънода дўқ, дағдаға, пуписа.

165. Таажжуб - сифат, кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ажабланарли, ғалати; от; ҳайрат, ажабланиш, ҳайронлик; кириш сўзи ўрнида ажаб, қизиқ.

166. Тааллуқ - алоқадорлик, даҳлдорлик; алоқа, даҳл; боғланиш, муносабат; кўчма маънода хотин, рафиқа.

167. Таассуф - кўнгилсиз воқеа, ҳодиса, ноилож аҳвол ва шу аҳволдан юзага келган ачиниш; афсус.

168. Таважжух - кимсага ҳайрихохлик билан юз ўгириш, ихлос; хурмат, эҳтиром; дикқат-эътибор; динда Худога ёлвориш, илтижо.

169. Тавозе - ўзини хокисор тутиш; хокисорлик, камтарлик, хурмат, иззат-эҳтиром; кўчма маънода итоатгўйлик, бўйсуниш.

170. Тавсиф - сифат; сифатлар; сифат белгиларининг баёни, таърифи, тасвири.

171. Тажаммул - керакли нарсалар, зийнат буюмлари.

172. Тадорик - тайёргарлик, ҳозирлик.

173. Талоқ - никоҳни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан айтиладиган сўз.

174. Танбех - ножуя ҳатти-ҳаракат учун берилган таъзир, койиш, огоҳлантириш ёки жазо.

175. Таноб - авваллари ер ўлчаш, чизиқ тортиш, ва шу кабиларда ишлатиладиган узун режа ип; кам қўлланилади, умуман, ингичка арқон, чилвир ёки қаноп, ип.

176. Тараҳҳум - китобларда раҳм, шафқат қилмоқ.

177. Торз - шакл, таҳлит, кўриниш; усул, равиш; диалогларда, юз, чехра.

178. Ториқа - йўл, усул; тарз.
179. Тасаддуқ - садақа; қурбон, фидо; ундов сўз ўрнида таҳсин, офарин, тасанно.
180. Тасбех - Худонинг номини зикр этиб саналадиган мунчоқ шодаси.
181. Ташириф - ҳозирда сўзлашув услубида кам қўлланилади, бирор ерга, хонадонга ёки бирор кимса хузурига қисқа муддатга бориш, келиш; визит.
182. Таъб - кишининг характеристида, унинг кишиларга нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиати, мижози; рағбат; ихтиёр.
183. Тағофил - асарларда кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш, рўйхуш бермаслик.
184. Таҳаммул - асарларда, қийинчиликка бардош бериш; чидаш, чидам, сабр, тоқат; арабча-ўзбекча луғатларда ҳам, ўз зиммасига олиш, гарданига олиш; бардошлилик, сабр-тоқат, чидамлик.
185. Таҳайор - адабий китобларда, жуда ҳам ҳайрон бўлиш, нима қилишни, нима дейишни билмай қолиш; ҳайронлик, ҳайрат.
186. Таҳлика - бирор фалокат, халокат, баҳтсиз ҳодисанинг содир бўлиши, ҳавфли туғилган ташвишли ҳолат.
187. Таҳсин - мамнуният билан берилган юқори баҳо; мартов, тасанно; ундов, сўз ўрнида балли, офарин.
188. Тилсим - сеҳрлаб қўйилган, сеҳрли нарса; ҳеч ким кира олмайдиган сеҳрли жой; кўчма маънода, ҳар қандай сирли нарса, ажойибот.
189. Туллоб - талабалар.
190. Уламо - эски китобларда, олим, олимлар; шариат қонунларини, диний билимларни мукаммал биладиган мулла.
191. Унсур — айнан элемент; салбий маънода, маълум бир ижтимоий груп вакили; сўзлашув тилида революция ва революцион давлат душмани; халқ душмани.

192. Уҳда - айнан, идда, зимма

193. Важъ - бирор ишдан бош тортиш, ўзини олиб қочиш учун ёки ўз ҳатти-ҳаракатини асослаш, оқлаш максадида рукач қилинган далил, баҳона; сабаб, боис; жиҳат, томон. Бу сўз баъзи адабий асарларда важи-карсон шаклида келади.

194. Валинеъмат — авваллари, ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс. Олийҳиммат, саҳий одам, ҳайр-саҳоватли.

195. Ваҳшат - кишини даҳшатга соладиган аянчли аҳвол, ўта кетган маданиятсизлик; нодонлик, жаҳолат.

196. Вожиб — дин. ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий бўлмаган; сўзлашув тилида бажарилиши мажбурий.

197. Воқеъ — воқеъ бўлмоқ, китобда содир бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ; келиб чиқмоқ.

198. Воқиф - бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа ҳодисадан маҳфий нарса, сир ва шу кабидан хабардор бўлган; хабардор, бохабар, билган.

199. Хотирот - хотира учун қоладиган нарса, эсадалик; бирор кимса ёки нарса ҳақидаги таассурот, кишининг кўрган кечиргандари.

200. Хутба — дин. жума ва хайит кунларида масжид имомининг суннатдан кейинги ваъзхонлиги; диний панд-насиҳат, никоҳ вақтида ўқиладиган дуо.

201. Ҳуфия - бошқаларга билдирилмайдиган, сир тутиладиган; яширин; маҳфий; билдирмасдан бузуқилик қилувчи; яширин равишда фоҳишлик қилувчи.

202. Ҳатм - эск. тамом қилиш; тугатиш, охир, тамом.

203. Хилоф - зид, қарама-қарши, тескари.

204. Хирож - тарихда феодал мусулмон хукмронлари даврида дехконлардан олинадиган ўлпон, солиш.

205. Хоин - ахдини, касамини бузиб, хийлакорона иш тутувчи;

фирибгар, муттахам; узи мансуб булган ижтимоий гурух ёки уз халки, уз ватани манфаатига зид иш тутувчи, унинг душманлари билан хамкорлик килувчи душман томонга утган киши, сотқин.

206. Хаёлот - бирор кимса, нарса ва шу каби ҳақидаги уй, фикр ва тасаввурлар.

207. Хапфа - эск. Шариат ақидаларини яхши биладиган одам; ўқимишли одам; эски мактабда ўқувчилар орасидан бошлиқ қилиб тайинланган, домлага кўмаклашадиган ўқувчи

208. Завж - авваллари юкори услубда эр; қайлик.

209. Заковат - ўткир ақл, идрок; зехн; донишмандлик.

210. Заъфарон - от. ингичка узун баргли, тўқ; сариқ гулли, ўсимлик; айн. заъфар.

211. Зоҳир - китобларда - сирт, сиртқи томон, сиртқи кўриниш; кесим вазифасида очик; ойдин, равшан.

212. Файри - китобда ўзга, бегона, ёт, ташқари.

213. Фаріб — қариндош-уруғи йўқ; бирор ҳомийси, кўмакчиси бўлмаган кимсасиз; мусофир; камбағал; қашшоқ, фақир, бечора, хунук, кўримсиз.

214. Шаҳид - дин ёки мазҳаб йўлида ҳалок бўлган шахс; Ватан уруши учун ёки ҳаққоният йўлида қурбон бўлган, жонини фидо ўилган одам.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, араб ва ўзбек тилларида бир маънони англатувчи ўзлашмалар ҳам учрайди.

Изоҳли луғат таркибида бундай ўзлашмалар ўзлашиш жараёнида қандай схемага эга бўлса, ўзлашгандан сўнг ҳам фақат ана шу маънода қўлланади. Бундай ўзлашма сўзларда икки тилда бир маънолар тенглиги ҳодисаси кузатилади. Бундай турдаги ўзлашмалар ҳам ўзбек тили изоҳли луғати таркибида тез-тез учраб туради. Масалан: “Ўткан кунлар” романида учраган “такаммул” сўзида ўзлашма тузилишида шундай ҳодисани кузатамиз

Бу сўзлар араб тилида “تَحْمِلُ” – зиммасига олиш, бардошлилик, сабртоқат, чидамлилик маъносини билдиради. Ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам арабий маъноси айнан шундайдир.

“مُقَابِلٌ” – қаршисида турган, (бирон нарсага) қарши, қарама-қарши, муқобил, ўхшashi.

“عَدْلٌ” – адолат, тўғрилик, софдиллик, адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик.

“إِعْتِمَادٌ” – самимий, тўғри одил деб ҳисоблаб қаттиқ ишониш, шунга асосланган ишонч, кўзда тутилган, ишонилган кимсадан кутилган, унга боғланган, умид, ишонч.

“هَدْفُّ” – бирор нарса отиш, ёки зарб бериш учун мўлжалга олинган нарса, мақсад, нишон, объект, мўлжал.

Бундай сўзлардан ташқари “Ўткан кунлар” романида истиорада қилинган қўйидаги сўзлар икки тилда бир хил маъноларни англатади. Улар орасида бир маънога эга сўзлар ҳам учрайди.

Масалан, амният, амир, бинт, дасиса, ҳифз, ҳужра, ҳabis, имдод, инод, лобид, мавзун, манора, манхус, музайян, мунаққаш, мусаллоҳ, мусоҳаба, мутаассир, мутобик, муқабала, муҳосара, мўҳмал, осиб, сайд, сокит, сомо, тоадди, тажаммул, такаллуф, тараххум, таҳаммул, уҳда, ваҳшат, халфа, хатм, хуфия, шукур, шохид, завж, заъфарон, мусаллас, ғайри, ғарив, шароит, шайтоний, хутба, хирож, туллоб, таҳайюр, тақсир, таноб, талоқ, субҳ, савр, руқн, рутубот, риёзат, қосид, қози, қатлиом, осий, оғият, назр, муғомбир, муғойир, муҳофиз, мўҳмал, мутараддид, мутеъ, муттаҳам, мушарраф, муқим, муртад, мустабид, мустаҳик, мувоаза, мулла, муқалама, миршоб, миқроз, мозий, моне, минбаъд, маҳбуба, маҳбус, маҳкама, маҳв, маҳр, маҳз, маҳрам, манхус, машшоқ, машъала, мөшру, маъзур, мақбул, мақтул, масъуд, 100 мазлум, малҳам, мажруҳ, мажхул, лафзан, луқма, кифт, курси, куфрони неъмат, калима, жафо, жусса жаҳолат, жавоҳирот, жаллод, жузъий, жазм, жавзо, иғво, истехзо, истибдод, истиғно, итоб, истинос, иноят, ионот, идда, ҳузун, ҳофиз, ҳошо, ҳодис, ҳадя, футур,

фирдавсмонанд, фотих, фирмка, фитр, даюс.

ХУЛОСА

XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намоёндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг Ўткан кунлар асаринининг нашр этилганига анча йил бўлган бўлса-да, бу роман яратилган кунидан эътиборан ёшларни замон руҳида тарбия қилишга аскотиб келяпти. Айниқса, мустақиллик даврида унинг тарбиявий аҳамияти мавқеи янада кўтарилди. Бу асарга адабиётдагилар зиёлилар, айниқса, ёшлар қайта-қайта мурожаат этиб ўзларига зарур маънавий озуқа оляптилар. “Ўткан кунлар романи бетакрор мазмунга эга бўлганлигидан у асосида кинофильм яратилган. Бу асар рус, инглиз, нсмис ва Ўрта Осиё халқлари тилларига таржима қилинган.

Мен битиравчи сифатида, айнан шу роман устида илмий тадқиқот олиб борганим, менга ғуур ва фахр бағишлайди.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асаридаги статистик таҳлили мавзууда тадқиқот олиб бориш жараёнида менинг эътиборимни ўзига тортган нарса, бу ёзувчининг асардаги ҳар бир сўздан мохирона фойдаланганидир.

Ёзувчи ўзи яшаган ижтимоий муҳитдан келиб чиқиб, ўша пайтда тоҷик-форс тили қатори бемалол ишлатилган араб тили имкониятларидан тўлиқ фойдаланган. Асардаги ҳар бир адабий сўз ўз ўрнида ишлатилиб улар асар маъносини, мазмунини тўла очиб беришга йўналтирилган. Тўғри, асарда жуда кўп арабча сўзлар қўлланилган шу ҳолатдагисини ўша пайтдаги китобхон ҳеч қийинчиликларсиз ўқий олган, лекин ҳозирги пайтдаги китобхонга асарни мутолаа қилишда бироз қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу қийинчилик араб сўзларининг ишлатилиши билан боғлиқ. Бундай муаммони бартараф этишнинг бир қисмини ёзувчининг ўзи зиммасига олган. Яна Абдулла Қодирий асаридаги баъзи арабча сўзларга изоҳ берган. Малакавий ишимизнинг асосий ва муҳим вазифаси “Ўткан кунлар” асаридаги арабча сўзларнинг семантик ва лексик

қирраларини очиб бериш билан асосий мақсад - бу асарни ўқиётган китобхонга амалий ёрдам бериш, яъни ҳар бир арабча сўзнинг бирламчи ва ўзбек тилидаги кўчма маъноларини баён этиш эди. Арабча сўзларнинг арабча варианти билан ўзбекча маънолари ўртасидаги маъно бир хиллигига, маънонинг торайишига, кенгайишига алоҳида эътибор бериш эди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимизда бу асарни ўқиб, унинг мазмун моҳиятини тушунмаган бўлишимиз табиий. Лекин айни пайтда араб тилини ўрганиб бу асарни мутоалаа қилганимизда, асарда дарҳақиқат арабий сўзларнинг ишлатилиш кўлами кенглигини ва бу сўзларнинг кўлланилиши асарга жозибалик бағишланганинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу эса ёзувчининг истеъоди, ҳамда, сўзларни ўз ўрнида кўллай билиш маҳоратидан далолат бериб турибди.

Абдулла Қодирий нима учун ўз асарларида хусусан, “Ўтган кунлар” романида арабий сўзларни ишлатган, деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни қуидагича изоҳлаймиз:

1. Асар ёзилган даврда араб тилининг мавқеи, таъсири кучли бўлган.
2. Ёзувчи халқ учун ёзганлиги сабаб асарда халқ муомаласида бўлган сўзлар, иборалар ўз аксини топиш керак эди.
3. Ёзувчи асардаги ғояларни очиб бериши учун арабий сўзларни ишлатиши керак бўлган.
4. Ёзувчи арабий сўзлар орқали ўз фиурини ифодалашда фойдаланган.
5. Ёзувчи асарда арабий сўзларни ишлатиш билан бир қаторда ўзбек тили луғат бойлигига ҳам ўз ҳиссасини қўша олган.

Абдулла Қодирий яшаб ижод этган даврдаги ижтимоий сиёсий мухитни чуқур ва атрофлича акс эттириб бериш мақсадида арабий сўзларга эҳтиёж мавжудлиги учун улардан фойдаланган. Чунки муайян воқеа-ходисани баён этиб бериш учун ёзувчи ўзбек тилининг луғат бойлигидан айнан шундай маънони англатадиган сўзларни топа олмаган.

Бундан ташқари Абдулла Қодирий яшаган даврда араб тилининг мавқеи таъсири кучлироқ бўлганлиги, ҳамда, араб илм фан сифатида тан олинганлиги учун ёзувчи ўз асарида арабий сўзлардан кенг ва моҳирона фойдаланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбек тилидаги манбалар:

- 1.** Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б.328
- 2.** Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон. 1999. –Б.410
- 3.** Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9 – Т.: Ўзбекистон. 2001. –Б.439
- 4.** Каримов. И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон. 1995. –Б.51
- 5.** Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон. 1998. – Б.580.
- 6.** Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон. 2000. –Б.528
- 7.** Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон. 1998. –Б.328.
- 8.** Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Роман. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.
- 9.** Абдулла Қодирий.“Муштум” таърифида // Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
- 10.** Абдулла Қодирий. Саломнома // Абдулла Қодирий. Тўла асарлар тўплами. Олти жилдлик. 1-жилд. Шеърлар, ҳикоя ва очерклар, ҳажвиялар. – Тошкент: Фан, 1995.
- 11.** Абдулла Қодирий. Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак // Бадиий ижод ҳақида (ёзувчиларнинг нутқ ва мақолалар тўплами). – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1960.

12.Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // ўзбек тили ва адабиёти, 1967. № 1.

13.Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети. 2001. –Б.617.

14.Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат нашриёти. 1997. I жилд. – Б.452.

15.Носиров О., Юсупов М. “Ан–на’йм” арабча-ўзбекча лугат. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 2003. –Б.950.

16.Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2006.

17.Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. 2008. Бешинчи жилд. –Б. 892.

Рус тилидаги манбалар:

18. Баранов Х. К. Арабско – русский словарь. –М.: Русский язык. 1985. –С.942.

Фойдаланилган интернет сайтлари:

19. www.islom.uz

20. www.ziyo.uz